


## XVII. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларига кўра 2019 йил январь-сентябрь ойларида 25344 та жиноятчилик ҳолатлари қайд этилган бўлиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 26,0 % га камайган. Рўйхатга олинган жиноятлар сони ҳар 10,0 минг аҳолига нисбатан 7,6 ҳолатни ташкил этмоқда.

### 2016-2019 йиллар январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони, бирлик




Жиноятлар таркиби ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда қуйидаги хулосаларни беради: агар содир этилган жиноятларнинг оғирлиги нуқтаи-назаридан қаралса, кўринадики, Фарғона вилоятида жами содир этилган жиноятларнинг 10,8 %, Тошкент вилоятида 15,4 %, Тошкент шаҳрида 13,4 % унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этади; оғир жиноятлар эса Тошкент вилоятида 10,9 % ва Тошкент шаҳрида 22,2 % ни ташкил этган; ўта оғир жиноятлар Сирдарё вилоятида 2,9 % дан бўлса, Тошкент шаҳрида эса 22,5 % ни ташкил этади.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида барча хизмат йўналишлари  
бўйича жиноятларнинг даражалари бўйича худудлар  
кесимида сони, бирлик**

	<i>Барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятлар</i>	<i>Унча оғир бўлмаган жиноятлар</i>	<i>Оғир жиноятлар</i>	<i>Ўта оғир жиноятлар</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>25344</b>	<b>7725</b>	<b>4393</b>	<b>1289</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	853	249	121	43
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	1800	498	274	58
Бухоро	1462	445	279	69
Жizzах	1028	381	194	43
Қашқадарё	1484	468	228	71
Навоий	905	284	159	61
Наманган	1503	468	345	49
Самарқанд	2460	744	299	149
Сурхондарё	1278	390	211	51
Сирдарё	746	247	109	38
Тошкент	3365	1187	478	151
Фарғона	2716	834	449	118
Хоразм	992	277	203	77
Тошкент ш.	4412	1037	977	290


**2019 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони худудлар кесимида, бирлик**




Ўзбекистоннинг барча худудларида 2019 йил январь-сентябрь ойларида 2018 йил шу даврига нисбатан таққосланганда жиноятлар сони камайганлиги кузатилади: Навоий вилоятида 41,0 % га, Наманган вилоятида 39,6 % га, Бухоро вилоятида 31,3 % га, Андижон вилоятида 28,8 % га, Фарғона вилоятида 28,2 % га, Самарқанд вилоятида 25,5 % га, Сирдарё вилоятида 25,0 % га, Қашқадарё вилоятида 24,1 % га, Жиззах вилоятида 23,1 % га, Хоразм вилоятида 22,7 % га, Тошкент вилоятида 20,4 % га, Сурхондарё вилоятида 22,6 % га, Қорақалпоғистон Республикасида 29,0 % га ва Тошкент шаҳрида 16,4 % га.

Ўзбекистон Республикасида ўта оғир жиноятлар сони 2019 йил январь-сентябрь ойларида 2018 йил январь-сентябрь ойларидагига нисбатан 1357 тадан 1289 тагача (5,0 % га) камайганлигини кўриш мумкин. Оғир жиноятлар эса 2019 йил январь-сентябрь ойларида 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 5779 тадан 4393 тагача камайган (24,0 % га). Унча оғир бўлмаган жиноятлар эса 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан (10935 та ҳолат) 2019 йил январь-сентябрь ойларида 7725 тани ташкил этиб, 29,4 % га камайган.

**2018-2019 йиллар январь-сентябрь ойларида барча хизмат йўналишларида рўйхатга олинган жиноятларнинг даражалари бўйича сони, бирлик**




**2018-2019 йиллар январь-сентябрь ойларида барча хизмат йўналишларида рўйхатга олинган жиноятларнинг даражалари бўйича тақсимланиши, %**



**2019 йил январь-сентябрь ойларида рўйхатга олинган жиноятларнинг  
ҳудудлар бўйича даражалари**

Рўйхатга олинган жиноятларнинг ҳар 10,0 минг аҳолига тўғри келадиган энг кам сони	Рўйхатга олинган жиноятларнинг ҳар 10,0 минг аҳолига тўғри келадиган энг кўп сони
	
Қарақалпогистон Республикаси 4,5	Фарғона вилояти 7,3
	
Қашқадарё вилояти 4,6	Жиззах вилояти 7,5
	
Сурхондарё вилояти 4,9	Бухоро вилояти 7,7
	
Намангандарё вилояти 5,4	Сирдарё вилояти 8,9
	
Хоразм вилояти 5,4	Навоий вилояти 9,2
	
Андижон вилояти 5,8	Тошкент вилояти 11,5
	
Самарқанд вилояти 6,4	Тошкент шахри 17,4


**2018-2019 йиллар январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида  
рўйхатга олинган жиноятлар турлари бўйича сони, бирлик**



2018 йилнинг шу даврига нисбатан ўғрилик жинояти 53,2 % га, талончилик жинояти 52,9 % га, безорилик жинояти 43,2 % га, фирибгарлик 36,1 % га, босқинчилик жинояти 27,4 % га, қасддан баданга оғир шикаст етказиш 28,7 % га, қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга уриниш 22,1 % га, гиёхванд воситалари билан конунга хилоф равищда муомала қилишга оид жиноятлар 3,0 % га камайган. Шу билан бирга, дўкон ва савдо нукталарини тунаш 42,7 % га, хонадонларни ва шахсий уйларни тунаш 60,9 % га, номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш 4,6 % га камайган.


Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш 0,15 % га, иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, ҳокимият органларининг фаолият таркиби қарши жиноятлар 1,8 % га кўп.

### **2019 йил январь-сентябрь ойларида жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ҳудулар бўйича тақсимланиши, %**




Жами жиноят содир этганларнинг 479 нафарини ёки 1,8 % вояга етмаганлар ташкил этади. Жами жиноят содир этганларнинг Фарғона вилоятида 18,0 %, Тошкент вилоятида 15,9 %, Наманган вилоятида 7,9 %, Сурхондарё вилоятида 7,7 %, Андижон вилоятида 7,3 %, Самарқанд вилоятида 6,7 %, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида 4,8 %, Жиззах вилоятларида 3,5 %, Хоразм вилоятида 2,7 %, Сирдарё вилоятида 2,3 %, Навоий вилоятида 1,3 %, Қорақалпогистон Республикасида 2,3 % ва Тошкент шаҳрида 14,8 % ни вояга етмаганлар ташкил этади.

### **2019 йил январь-сентябрь ойларида жиноят содир этган шахсларнинг ёши бўйича тақсимланиши, %**




Жиноят содир этганларнинг асосий қисми, яъни 63,5 % ни 31 ёш ва ундан катталарни, 19,2 % ни 25-30 ёшлилар, 15,5 % ни 18-24 ёшлилар ва 1,8 % ни 13-17 ёшлилар ташкил этади. Жиноят содир этган шахсларнинг 479 нафарини 13-17 ёшлилар, 4134 нафарини 18-24 ёшлилар, 5114 нафарини 25-30 ёшлилар ва 16938 нафарини 31 ёш ва ундан катталар ташкил этади.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида жиноят содир этган аёллар  
улуши худудлар кесимида, %**




**2019 йил январь-сентябрь ойларида жиноят содир этган  
шахслар сони, киши**



Жиноят содир этган шахслар сони жами 26665 кишини ташкил этган бўлиб, 2018 йил январь-сентябрь ойлари билан таққосланганда 24,5 % га камайган. Шулардан 21308 нафари жиноий жавобгарликка тортилган ёки 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан жиноий жавобгарликка тортилганлар сони 79,9 % ни ташкил қилади.

Аёллар томонидан жиноят содир этиш 33,3 % га, эркаклар томонидан жиноят содир этиш эса 23,0 % га камайган.

### **2019 йил январь-сентябрь ойларида жиноят содир этган шахсларнинг тоифалари бўйича сони**



### **Ишлайдиганлар**




### **Мехнатга қобилиятли, ишламайдиган ва ўқимайдиганлар**



Жиноят содир этган вақтда бандлиги бўйича таҳлил қилинганда меҳнатга лаёқатли ишламайдиган, ўқимайдиганлар ўртасида жиноят содир этганлар 5809 кишини ташкил этган бўлиб, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 24,7 % га камайган. Ўқиётганлар орасида жиноят содир этганлар 412 кишини ташкил этган бўлиб, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 34,2 % га камайган. Ишлайдиганлар орасида жиноят содир этганлар 40 кишини ташкил этган бўлиб, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 4,8 % га камайган.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида жиноят содир этган шахсларнинг  
тоифалари бўйича сони**



Жиноят содир этганлар орасида аввал жиноят содир этганлар 40,2 % га, маст ҳолатда жиноят содир этганлар 29,5 % га, гуруҳ бўлиб жиноят содир этганлар 23,5 % га ва вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноялар 32,2 % га камайган.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Жиноятчилик** – бу аниқ худудда муайян вақт давомида содир этилган жиноятлардан иборат бўлган ҳамда сон ва сифат кўрсаткичлари билан таърифланадиган ижтимоий-хукукий ҳодисадир.

**Рўйхатга олинган жиноят** – ички ишлар идоралари томонидан аниқланган ва расман ҳисобга олинган, жиноятчилик қонунчилигига назарда тутилган ижтимоий хавфга эга ҳатти-ҳаракат.

**Унча оғир бўлмаган жиноятларга** – қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

**Оғир ва ўта оғир жиноятлар** – юкори ижтимоий хавфга эга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 15-моддасининг 4 ва 5 бандларида назарда тутилган ҳатти-ҳаракатлар.

**Фиригарлик** - алдаш ёки ишончни сустеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган хукукни қўлга киритиш.

**Ўғрилик** - яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш, деярли барча юрисдикцияларда жиноят деб тан олинган.

**Босқинчилик** – ўзгалар мулкини ўғирлаш мақсадида инсон ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдирадиган куч ишлатган ҳолда ёки уни қўллаш таҳдиidi билан содир этилган тажовузлик.

**Безорилик** – жамиятга очик ҳурматсизликни акс этган ҳолда жамоат тартибини қўпол равишда бузиш, бунда фуқароларга нисбатан зўравонликни қўллаш ёки уни қўллашнинг таҳдиidi билан ёхуд ўзгалар мулкини йўқ қилиш ёки шикаст етказиш билан содир этиш.

**Номусяга тегиши** - зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш.

**Қасддан баданга оғир шикаст етказиш** - содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида қўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишга ёки умуман соғлиги бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса.

**Жиноятларни содир этган шахслар** – ички ишлар идоралари томонидан расмий равишда ҳисобга олинган ва уларга жиноят ишлари қўзғатилган шахслар.

**Жиноятларнинг фош этилиши** – ҳисобот даврида тергов билан тугатилган ишлар бўйича жиноятлар сонининг жиноий иш қўзғатилган вақти ва ушбу жиноят рўйхатдан ўтган вақтидан қатъий назар фош этилган ва фош этилмаган жиноятларнинг умумий сонига нисбати.